2015 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (12.862)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Қурилиш – UzBuild – 2015», «Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн – MebelExpo Uzbekistan – 2015» ва «Иситиш, вентиляция, совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника ва бассейнлар – Aqua-Therm Tashkent – 2015» халқаро кўргазмалари очилди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР ИШ БОШЛАДИ

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида қурилиш ва мебелсозлик иқтисодиётимизнинг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқлари экани таъкидланди. Мамлакатимизда янги саноат объектлари, турар жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, йўл ва кўприклар, ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда. 2014 йилнинг шу даврига нисбатан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 113 фоизни ташкил этгани ҳам мамлакатимизда мазкур тармоқ тараққий этиб бораётганини кўрсатади. Айни пайтда юртимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи қурилиш материаллари саноатига йўналтирилмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва 2010 йил 17 июнда имзоланган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Қурилиш ишлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ушбу соҳани изчил модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилишни тақозо этмоқда.

Пойтахтимизда анъанавий ўтказиб келинаётган қурилиш, мебель ишлаб чиқариш, интерьер ва дизайн, иситиш-совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника ҳамда бассейнларга ихтисослашган халқаро кўргазмалар ушбу соҳалардаги замонавий технологиялар билан танишиш, янги шериклар топиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш учун кенг имконият яратмоқда.

«UzBuild – 2015» ва «Aqua-Therm Tashkent – 2015» кўргазмаларида Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Жанубий Корея, Австрия, Германия, Франция, Швейцария, Дания, Испания, Италия, Польша, Беларусь, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Туркия, Қозоғистон, Финляндия, Эрон каби дунёнинг 20 мамлакатидан қурилиш материаллари, иситиш тизимлари учун мосламалар, хомашё ва бутловчи қисмлар етказиб бериш, қўшимча турдош товарлар савдоси билан шуғулланадиган 164 дан ортиқ компания ва фирма ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини тақдим этмоқда.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг ривожлантирилаётгани соҳада ҳамкорликни янада кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, – дейди «Gulf Prompt Partners» компаниясининг (Бирлашган Араб Амирликлари) мижозлар билан алоқалар бўйича менежери Пармида Мори. – Алюминий профилидан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган ўзбекистонлик ҳамкорлар билан алоқаларни йўлга қўйдик. Бу алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

(Давоми 3-бетда)

29 март — сайлов куни

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган «Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинарлар Дастури»га мувофиқ, Бектемир ва Миробод туманлари ҳудудида ташкил этилган сайлов участкалари аъзолари, ташкилотлар вакиллари учун семинар ўтказилди.



Семинарда сўзга чиққанлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилиги, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказишга оид кенг қамровли масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Ушбу семинар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишдаги билимларимизни ҳар томонлама бойитишга катта ҳисса қўшди, — дейди Бектемир туманидаги 63-участка сайлов комиссияси раиси Шарифа Баянова. — Мазкур тадбир орқали сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ кенг қамровли масалалар ҳақида кўникмага эга бўлдик. Бунда олган билим ва малакамиз участкамизда сайловни уюшқоқлик билан ўтказишга катта ёрдам бериши табиий.

— Тадбир ташкилотчилари томонидан сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти чуқур очиб берилди, — дейди Миробод туманидаги 158-участка сайлов комиссияси раиси Умида Рашидова, — сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, овоз бериш жараёнлари, сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга оид қимматли билим-кўникмаларга эга бўлдик. Семинарда олган билимимиз сайлов жараёнини янада юқори савияда ўтказишга кўмак беради, албатта.

Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишлаб ўтказилган семинарда Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари Ш.Зулфиқоров, Ҳ.Муҳамедов, Тошкент автомобиль йўллари институти доценти Д.Расилов, жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди раиси Ж.Убайдуллаев, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси Ш.Тожиев, Адлия бошқармасининг Миробод туман ФҲДЁ бўлими мудири Г.Қулматова, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Ф.Маҳмудхўжаевларнинг маърузалари тингланди.

Семинар якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ҳамда қўмиталарнинг мажлислари бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КЕЛГУСИ ИШЛАР ДАСТУРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Депутатлар Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастурининг лойиҳасини муҳокама этдилар. Ушбу Дастур Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги қўшма қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Парламент аъзолари улар сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароитларда ишлашларига тўғри келишини таъкидладилар. Шу муносабат билан парламент қуйи палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қонун ижодкорлигини, назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштиришга, демократик жараёнларнинг ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилишини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

Дастурни ишлаб чиқиш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ушбу ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган энг муҳим вазифалар ўз аксини топди. Дастурни ишлаб чиқишда парламент сиёсий партиялари фракциялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ва қўмиталарнинг таклифлари ҳамда тавсиялари ҳисобга олинди.

(Давоми 3-бетда)

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб

Тинчлик – Яратган томонидан инсонга ато этилган неъматлар ичида энг буюги. Унинг замирида кўнгил хотиржамлиги, тўрт кўз тугаллиги, озод ва обод ҳаёт мужассам. Мусаффо осмон, фарзанд кулгуси, энг олий, энг эзгу орзуниятлар рўёби ана шу буюк неъмат туфайлидир.

Ўтган асрнинг долғали йилларида бугунги тараққиётимиз, фаровонлигимиз ва барча муваффақиятларимиз асоси бўлган тинч-осуда ҳаёт учун ўз жонини тиккан, жасорат ва матонат кўрсатган инсонлар бугун давлатимиз эътиборида, халқимиз ардоғида.

Ўша мудҳиш Иккинчи жаҳон урушида 1,5 миллион ўзбек ўғлони қўлига қурол олиб, фашизм балосига қарши курашган. Яна миллионлаб юртдошларимиз фронт ортида машаққатли меҳнат қилган. Бу даҳшатли урушда қарийб ярим миллион ватандошимиз ҳалок бўлган, ўз ота-онаси, болалари, севимли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо этган.

Бугун мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида қабул қилинадиган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоғу маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилади.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ишлардан бири бўлди. Энди минглаб нуронийлар ўзлари истаган вақтда санаторий-соғломлаштириш масканларида йилига бир марта бепул даволаниб, дам олиб қайтади. Бу уларга хонадонларимиз файзи, фариштаси бўлиб, умргузаронлик қилишлари учун катта маънавий-руҳий мадад бўлади.

(Давоми 3-бетда)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарёда ўтказилган семинар аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланди. Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларининг ўрни хусусида сўз юритилди.

● Самарқанд автомобиль заводида йигирма мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди. Ушбу автомобиль – ISUZU NPR82 машинаси ҳам сиқилган табиий газда ҳаракатланади. Автомобилнинг тақдимот маросимида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва ISUZU Motors, Itochu Corporation компаниялари вакиллари сўзга чиқиб, маҳсулотнинг юқори технологик кўрсаткичлари ва замонавий кўринишини эътироф этди.

● Наманган шаҳридаги 11-умумтаълим мактабида инклюзив таълим ресурс маркази иш бошлади. Ресурс марказида ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, электрон доскалар, сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари, кўзи ожиз болаларнинг ўқиши учун портатив катталаштиргич ҳамда таянч-юргич ва бошқа замонавий воситалар болажонлар ихтиёрида.

● Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. «Зулфияхоним издошлари» деб номланган ушбу тадбирда ёзувчи ва шоирлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги 2-академик лицейда ўтказилган учрашув гиёҳвандлик, одам савдоси билан боғлиқ трансмиллий жиноятнинг олдини олиш ва ёшларни унинг қурбонига айланиб қолишдан асраш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланди.

● Андижонда «Нима қилдик Ватан учун?» шиори остида ижодий фестиваль бўлиб ўтди. Шу куни вилоят «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Куйла, ёшлигим» танловининг Андижон вилояти босқичи ҳам бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Американинг Атланта шаҳридаги Жоржия технологик институтида ўтказилган тадқиқотлар натижасида олимлар киприкнинг нафақат ўзга жисмлар учун фильтр сифатида фаолият кўрсатиши, балки кўздан ҳаво оқимларини ҳам узоқлаштиришини аниқладилар. Натижада кўз турли бактериялар, вируслар ва кичик зарарли организмларнинг тушишидан ҳимояланади, шунингдек, кўз қобиғи қуришининг олди олинади. Ушбу кашфиёт қуёш батареялари каби муҳофаза тизимларини такомиллаштиришда жуда қўл келади.

● Кеча Жанубий Кореянинг Сежон шаҳрида номаълум кимсанинг дўконларнинг бирида мижозларга тўппончадан ўқ узиши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда жиноятчини излаш ишлари давом этмоқда.

● АҚШнинг шарқий қисмида бир неча кундан буён давом этаётган қаттиқ совуқ туфайли камида 23 киши ҳаётдан кўз юмди. Қурбонларнинг кўпайишига сабаб йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳам нокулай об-ҳаво шароитлари туфайли кескин ортгани бўлди. Жойларда электр симлари музлаб қолгани боис, минглаб кишилар чироқсиз қолишди.

29 март — сайлов куни

АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИНИ ОШИРИШ — БОШ ВАЗИФАМИЗ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.





ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ҳамшаҳарлар!

Ҳурматли сайловчилар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, 29 мартда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Юртимиздаги ҳар бир сайловчи шу куни ўзи ва оиласининг бахтиёр келажаги, юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватанимизнинг янада равнақ топиши, халқ фаровонлиги ва бахт-саодатига йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш учун овоз бериши шубҳасиздир.

Энг аввало, бу улуғ ва эзгу ниятларни амалга оширишда азим шаҳримизнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидламоқчиман. 2200 йиллик бой тарихга эга Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, серқуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимизнинг қутлуғ остонасидир.

Мустақиллик йилларида Тошкентнинг бекиёс чирой очгани, Шарқнинг энг гўзал шаҳрига айлангани, «Ислом маданиятининг пойтахти» сифатида эътироф этилгани барчамизни чексиз ғурурлантиради.

Тошкент шаҳри қадимий тарихи ва бетакрор маданияти, нодир топилмалари ва осори-атиқалари, энг муҳими, буюк инсонлари билан бутун дунёга ном таратган. Бу муқаддас замин Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур), Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Иброҳим ота, Кўйлиқ ота каби азиз-авлиёлар ва улуғ алломаларни вояга етказган.

Тошкент доимо ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, юксак малакали мутахассислари ва қўли гул ишчилари, ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлари билан фақат мамлакатимиз эмас, балки бутун минтақа иқтисодиётида етакчи ўрин тутиб, таъбир жоиз бўлса, дунё бозорида ҳам ўз муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда.

Тошкент – жаҳон жамоатчилигининг доимий эътиборини тортадиган, олий даражадаги учрашувлар ва муҳим илмий-амалий анжуманлар ўтказиладиган йирик халқаро мегаполисидир. Айни пайтда бу ерда Марказий Осиёда тенги йўқ товар-хомашё биржаси, қимматли қоғозлар ва валюта биржалари, суғурта, лизинг, аудиторлик компаниялари фаолият олиб бораётганлиги пойтахтимиз минтақанинг энг йирик молия маркази ҳам эканлигидан далолат бериб турибди.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳар бир сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатди. Каминага ҳам ана шундай юксак ишонч билдирилганлиги учун «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча аъзоларига, шу жумладан партиямизнинг Тошкент шаҳридаги 11 минг 800 нафардан зиёд аъзоларига чексиз миннатдорчилигимни изҳор этишга рухсат берсангиз. Бу ишонч менга жуда катта масъулият юклашини тўла ҳис этиб турибман.

Бевосита «Миллий тикланиш» демократик партиясига тўхталадиган бўлсак, бу партия – айнан мустақиллик меваси дир. Чунки собиқ советлар даврида на «миллийлик», на «кўппартиявийлик» тўғрисида гапириш мумкин эмасди. Буларнинг ўрнига фақат «совет халқи», «мазмунан социалистик, шаклан миллий маданият», «жонажон компартиямиз», деган сунъий ва қуруқ ҳавойи иборалар ишлатиларди.

Мустақиллик – янги миллий Уйғониш, миллий давлатчилик даврини бошлаб берди.

Мустақиллик – миллий манфаатларимиз ҳақида гапириш имкониятини яратди.

Мустақиллик – фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқини Конституциямизда кафолатлаш орқали кўппартиявийлик тизимига йўл очди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг кўҳна тарихини, кўп асрлик миллий давлатчилигини тиклади. Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. **«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари»** тамойили ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилган.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва мавқеи тобора ортиб бормоқда.

Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз дастурий ғояларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли сиёсий таъсир кучига эга бўлмоқда.

Сиёсий партияларнинг етуклик даражаси ва фаолиятининг самарадорлиги, фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани юртимизда изчил амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг асоси, ҳал қилувчи шарти ва гаровига айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қадрли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг бу йилги сиёсий ҳаётида энг катта воқеа эканлигини ҳаммамиз тўлиқ англаб турибмиз. «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари ва унинг тарафдорларининг ушбу сиёсий жараёнда муносиб иштирок этишларига ишончимиз комил.

Партиямизнинг асосий ғояси – Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда иҳодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Партиямиз ўзининг белгиланган аниқ дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун амалдаги миллий қонунчилигимиз ва умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда халқ демократияси тамойилларига тўла амал этган ҳолда фаол ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзоднинг эътиборингизга ҳавола этилаётган **Сайловолди дастури** ҳам Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мамлакатимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яқин келажақдаги бош мақсадимиз бу – миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган Сайловолди дастури еттита устувор йўналишдан иборат бўлиб, асосий ғоялар ва вазифалар партиямизнинг ўтган йили халқ вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловдаги **Сайловолди платформаси** асосида шакллантирилди.

Сизларнинг эътиборингиз учун Сайловолди дастурида белгиланган ана шу устувор йўналишлар ҳақида мухтасар маълумот бериб, айрим муҳим вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш – ижтимоий-сиёсий соҳада миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини тасдиқлаш.

Бунда, хусусан:

- Миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур.
- «Маҳалла» миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий ҳаракатига эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалла ролини кучайтириш лозим.
- Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ҳамда амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш керак.
- Мамлакатимизда диний, миллий ва маданий бағрикенглик муҳитини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Партиямизнинг асосий мақсадини ифода этадиган шиоримиз шундай: **«Миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари!»**

Иккинчи йўналиш – Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Биз ҳар доим миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганимиз ва берамиз. Шу боис бу борада:

- Ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, бой маданияти ва анъаналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва бойитиш, эл-юртимиз ютуқларини навқирон ва барқамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш устувор аҳамиятга эга. **Миллий қадриятларимиз ҳимояси – бош вазифамиздир!**
- Ўзбекистон тарихини холисоналик тамойилларига асосланган тарзда узлуксиз ва тизимли ўрганиш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш керак.
- Ёшлар онгини халқимиз маънавиятига ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш лозим.
- Давлат тилини бойитиш ва такомиллаштиришга, тилимизнинг ўзаро муомала маданияти сифатидаги ўрни ва мақомини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш талаб этилади.
- Камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда мутбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш керак.
- Оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш зарур.

Учинчи йўналиш – суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш.

Бу соҳадаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришимиз даркор. Зеро, **ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти юксаклиги миллий ҳуқуқий тизим етуклигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.**
- Мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция ва инсон ҳуқуқлари ҳамда демократия асосларини узлуксиз ўзганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш керак.
- Жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш зарур.
- Оила, мерос, уй-жой даъволари ва маиший турмушда учраб турадиган айрим низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлларини излаш лозим.
- Шунингдек, фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига кўп ҳам хоҳиш-истаги йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматидан фойдаланишни ривожлантириш керак.

Тўртинчи йўналиш – иқтисодиёт соҳасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Иқтисодиёт ҳақида сўз борганда, шунингдек:

- Хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш керак.
- Ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш зарур.
- Миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш лозим.
- Халқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва иччам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш даркор.

Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги чоратадбирларнинг амалга оширилишини таклиф этамиз:

- Сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш керак.
- Хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш лозим.
- Туризм саноатига йўналтириладиган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш зарур.
- Алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш муҳимдир.

Бешинчи йўналиш – ижтимоий соҳа билан боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги устувор вазифамиз аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини оширишдир.

Ушбу вазифани тўлақонли бажариш учун:

- Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш зарур.
- Ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастури бажарилишининг бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш керак.
- Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморлик анъаналарини ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш лозим.
- Маҳалланинг фуқаролар, айниқса, ёшларимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги сай-ҳаракатларини фаоллаштириш даркор.
- Болалар, аёллар, оғир касалликлар, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС) дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Бу соҳада партиямизнинг шиори шундай: **«Халқи соғлом ва баркамол фаровонланган мамлакат – кучли ва қудратлидир!»**

Олтинчи йўналиш – ахборот соҳасидаги устувор вазифалар.

Булар қаторига, аввало, глобаллашув жараёнларида халқимиз миллий маданиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегисини ишлаб чиқиш киради.

Шундан келиб чиқиб, қуйидагиларни мазкур соҳадаги асосий вазифалар, деб ҳисоблаймиз:

- Миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш лозим. Бинобарин: **«Ривожланган миллий ахборот макони – мустаҳкам тараққиёт пойдеворидир!»**
- Ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш керак.
- Ижтимоий онгда миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлаш зарур.

Ва, ниҳоят, еттинчи йўналиш – ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар.

Биз Ўзбекистон Республикаси ўз фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси мамлакатимизнинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Биз самарали ташқи сиёсатни амалга оширишда қуйидагилар тарафдоримиз:

- Ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш шарт. Яъни, **«Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш – фаол ташқи сиёсатнинг вазифасидир!»**
- Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш керак.
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш лозим.
- Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланилиши масалаларини халқаро-ҳуқуқий меъёрлардан, жумладан, БМТнинг Трансчегаравий сув манбалари ва халқаро кўлларни асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси (Хельсинки, 1992 йил) ва Кемалар қатнамайдиган халқаро сув манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил) қоидалари асосида ҳал этиш зарур.
- Инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини ташкилий-институциявий ва ҳуқуқий жиҳатлардан мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, жозибадор «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш лозим.

Бизнинг асосий ғоямиз – Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда иҳодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

«Миллий тикланиш» демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида Сайловолди дастурини кенг ташвиқ қилиши билан бирга, аҳолини партиямиз ғоялари ва дастурий мақсад-вазифалари билан атрофлича таништиради. Шу билан бирга, партия сафдошлари ва хайрихоҳлари сонини янада кўпайтиришга интилади.

Эътиборингизга ҳавола этилган Сайловолди дастурий вазифалари умумий йўналишдаги ғоялардир. Бу режалар Ватанимизнинг ҳар бир ҳудуди хусусиятлари, уларда ҳозир мавжуд бўлган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштирилади.

Бевосита Тошкент шаҳрида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш суръатларини янада кучайтириш, пойтахтимиз кўркига кўрк, тароватига тароват қўшиш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш режалари ишлаб чиқилган.

Истиқлол йилларида пойтахтимизнинг қиёфаси тамомила ўзгариб, кўрку жамоли тубдан очилиб бормоқда.

Авваламбор, бош шаҳримиздаги тарихий ёдгорликлар ўзгача меҳр, қунт ва уқув билан қайта тикланмоқда. Натижада кейинги даврда Кўкалдош мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо, Хўжа Аламбардор, Юнусхон, Шайх Хованди Тоҳур мақбаралари ва Шайх Абулқосим мадрасаси бундан 20-30 йиллар аввалги қиёфасидан тамомила бошқача кўринишга олди.

Айниқса, 2006-2007 йилларда Ҳазрати Имом, яъни Ҳастимом диний-меъморий мажмуасида улкан миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Бир сўз билан айтганда, пойтахт шаҳримиз ўтган қисқа даврда ўз тарихий ёдгорликларини тубдан тиклади ва бу ерда миллий меъморчиликнинг энг яхши анъаналари негизидаги янги шаҳарсозлик ансамбли яратилди.

Кейинги даврда «Минор» жоме масжидининг бунёд этилгани бу борадаги яна бир салмоқли натижа бўлди.

Сизларнинг ўзингиз ҳам пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг Тошкентнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганидан ҳайратга тушишларига кўп бор гувоҳ бўлгансиз, албатта.

Мустақиллик архитектураси ютуқлари мужассам бўлган ноёб ва муҳташам бинолар, кенг ва нурафшон кўчалар, равон йўллар ва кўприклар, дунёнинг кўпгина йирик шаҳарлари бебаҳра бўлган ям-яшил майсазорлар, саратон жазирамасида баҳор эпкини уфурадиган кумуш фавворалар кўзни қувнатмай, ўй-хаёлни шошилтирмай қўймайди.

Барча кутубхоналар замонавий ахборот марказларига айлантирилган. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона биноси ўзининг бетакрор қиёфасию бу муҳташам маънавият масканида аҳоли, айниқса, ёшларимизга китобхонлик борасида энг замонавий ва қулай шароитлар яратилгани билан ҳам кишида ҳавас уйғотади.

Ўзбекистон пойтахтида иккита темир йўл вокзали, иккита аэропорт, автовокзал, бешта автошоҳбекат ишлаб турибди. Марказий Осиёда энг катта бўлган Тошкент аэропорти муҳим халқаро ахамиятга эга. Бу ердан жаҳондаги 25 та мамлакатнинг пойтахтлари ва йирик шаҳарларига, хусусан, Нью-Йорк, Париж, Лондон, Франкфурт-Майн, Деҳли, Тель-Авив, Жидда, Пекин, Токио, Сеул, Амстердам, Шаржа, Куала-Лумпур, Техрон, Афина, Сянган каби кўплаб шаҳарларга мунтазам авиақатновлар амалга оширилади.

Сайловолди дастурда хорижий меҳмонлар учун мамлакатимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортларда, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилаш билан боғлиқ вазифалар ҳам белгиланган.

Бугунги кунда Тошкент нафақат стратегик халқаро мавқега эга бўлган сиёсий марказ, балки Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполис ҳамдир. Тошкент мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринга эга.

Пойтахт аҳолисининг қарийб 1 миллион 300 минг нафарини ёшлар, шу жумладан, 7 минг уч юздан ортиғини партиямиз аъзоси бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этмоқда. Юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғаяётган ёшларимиз, барча юртдошларимиз бугунги саодатли кунларимизга шукроналик, эртанги ёруғ келажагимизга комил ишонч руҳи билан яшамоқда. Зеро, Ватанимиз бугун бобокалонларимиз орзу қилганидек тобора юксалиб бормоқда.

Энг муҳими, ҳозирги шиддатли, кўп жиҳатдан қалтис дунёда пойтахтимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётганига, турли миллат вакилларининг бир оила фарзандларидек иноқ ва тотув яшаб келаётганига кўпчилик ҳавас қилади.

Сайловчиларимиз, шу жумладан қадрли ҳамшаҳарларимиз ҳам 29 март куни юртимиздаги ана шу тинчлик ва осойишталик, ободончилик ва тўкинчилик, янги улуғвор ва эзгу ниятларнинг ижобати учун якдил овоз беришларига аминмиз.

Ҳеч шубҳасиз, ҳамшаҳарларимиз азму шижоати, янгиликка интилиб яшаши, ташаббускорлиги билан ҳамма вақт тоғни тал қон қилишга қодир бўлганлар. Пойтахт юксалса, жонажон Ўзбекистонимизнинг қудратига ҳам қудрат қўшилади, Ватанимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишидек олий мақсадимиз албатта рўёбга чиқади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда барча ҳамшаҳарларимизга бунёдкорлик ишларида улкан муваффақиятлар, омад ва барака, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилашга рухсат бергайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур!

КЕЛГУСИ ИШЛАР ДАСТУРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари** таъкидладиларки, 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар дастури партиянинг сайловолди платформаси вазифаларига мос тушади ҳамда партия, фракция ва электорат манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади, шунингдек, жойларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг рўёбга чиқарилиши устидан парламент назоратини янги босқичга кўтаришга кўмаклашади.

Алоҳида таъкидландики, дастур лойиҳаси бир қатор муҳим масалаларни, шу жумладан, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, хусусий мулкни ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ижро этилишини ўрганишни назарда тутади. Фракция аъзолари дастур лойиҳасига қўшимча таклифларни ишлаб чиқдилар.

Ҳужжатни муҳокама этиш чоғида **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари** Дастур лойиҳасига фракция томонидан таклиф этилган қонун лойиҳалари ва парламент назоратини амалга оширишга доир тадбирлар киритилганини қайд этдилар.

Фракция «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги ва бошқа муҳим қонун лойиҳаларининг тайёрланишида ва қабул қилинишида фаол иштирок этишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар, умуман Дастурни қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг айрим йўналишлари юзасидан бир қанча танқидий фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Жумладан, айрим қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш муддатларини кўриб чиқиш талаб этилади. Фракциянинг фикрича, ушбу лойиҳа ва тадбирларни ҳозирги босқичда парламент олдида турган демократик ислоҳотлар ва мамлакатимизни модернизация қилиш талабларини инобатга олган ҳолда, уларнинг зарурлиги нуқтаи назаридан пухтароқ ва чуқурроқ ўрганиш лозим.

Шунингдек, партиянинг дастурий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда Дастурнинг айрим қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ҳам билдирилди. Хусусан, давлат ва жамият томонидан мақсадли ижтимоий ҳимояга ва кўмакка муҳтож инсонларни, шу жумладан, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг энг муҳим йўналишларини рўёбга чиқариш учун жавобгар давлат бошқаруви органларининг фаолияти устидан парламент назоратини тубдан яхшилашга қаратилган қонун ижодкорлиги ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда улар бевосита таъсир кўрсатадиган қонунларни қабул қилиш, уларни бузганлик учун жавобгарликнинг самарали механизмларини яратиш зарурлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятида, ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг мамлакатимиз социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир маърузаларини эшитиш масалалари бўйича қарорларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирок этиш механизмлари самарадорлиги оширилишини таъминлаш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП фракцияси олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурларининг рўёбга чиқарилишини, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва бир қатор бошқа муҳим қонунларнинг ижро этилишини парламент томонидан назорат қилиш масалалари ҳам қайд этилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Дастур лойиҳасини муҳокама этишда қабул қилинган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга таъсирини, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрганишга қаратилган ўзаро алоқанинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда қонун лойиҳаси устида иш олиб боришга кўпроқ эътибор қаратишни таклиф этдилар. Шу муносабат билан улар парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши билан боғлиқ депутатларнинг ишларини ёритиб боришга оммавий ахборот воситаларини фаол жалб қилишга қаратилган бир қатор тадбирларни рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Дастурнинг асосий қоидаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳаларини муҳокама этиш жараёнида кенг жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда уларни палата томонидан ижтимоий экспертизадан ўтказиш, аҳолига қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, улар юзасидан қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини маромига етказиш жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар олиш лозимлигини билдирдилар. Фракция аъзоларининг фикрича, янги қабул қилинган қонунларнинг самарали рўёбга чиқарилишини таъминловчи қонуности ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш устидан парламент назоратининг самарали механизмини ҳам яратиш зарур.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи ҳам Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастурининг лойиҳасини муҳокама қилди.

2015 йилга ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ҳамда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастурининг лойиҳаси парламент қуйи палатаси қўмиталарининг мажлисларида ҳам кўриб чиқилди.

Мажлислар иштирокчилари ушбу ҳужжат депутатларга юқорироқ талабларни қўядиган янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шарт-шароитда ишлаб чиқилганини қайд этдилар. Сўзга чиққанлар қабул қилинаётган қонунларга уларни рўёбга чиқариш бўйича аниқ механизмларни киритиш, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунлар моддаларининг ўз вақтида, кенг қамровли рўёбга чиқарилишини таъминлаш орқали қонунларнинг, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг таъсирини оширишни таклиф этдилар.

Шунингдек, депутатлар чет эл ҳуқуқий амалиётини ҳар томонлама ва чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида қонун ижодкорлиги фаолиятини тубдан яхшилаш, давлат бошқарувининг, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида қонун лойиҳаларининг самаралироқ муҳокама этилишини ташкил этиш лозимлигини билдирдилар. Давлат бошқаруви органларининг фаолияти, қабул қилинаётган қонунларнинг, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларининг сўзсиз ижро этилиши устидан парламент назоратини яхшилаш Қонунчилик палатаси келгуси фаолиятининг муҳим йўналишига айланади. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга эришиш ҳам зарурдир.

Муҳокамалар якунларига кўра, қўмиталар аъзолари Дастур лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни ишлаб чиқдилар ҳамда ишчи гуруҳга ҳужжатни билдирилган фикрлар асосида маромига етказиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР ИШ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни кунларда жойларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини жалб этган ҳолда, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида одамларнинг қалбу онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган мазмун ва шаклларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда фахрийлар ёшларга ўз хотиралари, ҳаётий тажрибаларини сўзлаб бермоқда. Юртимиздаги тараққиёт, халқимиз фаровонлиги, эришилаётган барча ютуқ ва марралар негизида бугунги тинчлик-осудалик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик мужассам экани тушунтирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ҳам мамлакатимизда инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадриятга айланганини яна бир бор тасдиқлади.

– Президентимиз фармонини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, – дейди Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бекмирза ота Холмирзаев. – Бу медаль осмонимиз





Қурилиш саноатида эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб этиш, бу борада соҳа мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли шартномалар имзолашда мамлакатимизда ўн олтинчи марта ўтказилаётган «UzBuild» кўргазмаси муҳим аҳамият касб этади. Кўргазмада намойиш қилинаётган маҳсулотлар ва таклиф этилаётган хизматлар хилма-хиллиги билан аввалгиларидан ажралиб туради. Қурилиш материаллари ва ускуналари, иситиш ва вентиляция тизимлари, эшик-ром, лок-бўёқ, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, бетон блоклар, лифтлар, бутловчи қисмлар, ёритиш техникаси сингари экспонатлар кўргазмага ташриф буюрганлар эътиборини тортмоқда.

– Корхонамиз қуруқ қурилиш қоришмалари, шпатлёвка, сувоқ материаллари ва турли елимлар ишлаб чиқаради, – дейди ЎзА мухбирига «Razata» масъулияти чекланган жамияти директори Акмал Зиёев. – Ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан фойдаланилмоқда. Шу боис маҳсулотларимиз нархи хорижникига қараганда анча арзон. Маҳсулотларимизни МДҲ мамлакатларига экспорт қилишни йўлга қўйдик. Келгусида экспорт географиясини янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

«Aqua-Therm Tashkent – 2015» кўргазмасининг асосий мақсади бино қуриш ва улардан фойдаланишда ҳавони совутиш, иситиш ҳамда сув таъминоти учун тизимли ечимлар соҳасидаги эҳтиёжни таъминлашдан иборатдир. Мазкур тадбирнинг ўтказилиши ғоят долзарб аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз иқлим шароити иссиқлик таъминоти, ҳавони совутиш ва сув етказиб бериш бўйича самарали муҳандислик ечимлари жорий этишни талаб қилади.

«Aqua-Therm Tashkent – 2015» тўртинчи халқаро кўргазмасида ушбу саноат тармоғи томонидан тақдим этилаётган кенг турдаги маҳсулотлар билан танишиш имконияти мавжуд. Чунончи, «Termi Pro» ва «Silver-Nile» каби йирик ишлаб чиқарувчилар ҳамда дистрибьюторлар сув тозалаш тизимлари, фильтрлар, сув иситиш асбоблари, зиналар, шунингдек, кафель, жакузи каби маҳсулотларни намойиш қилмоқда. Компаниялар вакиллари турли агрегатларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш борасида тажрибалари билан ўртоқлашмоқда.

– Ўзбекистон қурилиш бозорида замонавий товар ва хизматлар тақдим этилмоқда, – дейди Жанубий Кореянинг «Youngsan Glonet» корпорацияси савдо менежери Ким Жун Вон. – Кўргазмаларда намойиш этилаётган маҳсулотларнинг хилма-хиллиги ва сифати ҳам шундан далолат бермоқда. Мамлакатингиз бозоридаги кучли рақобатни инобатга олган ҳолда, компаниямизнинг энг яхши ишланмаларини тақдим этмоқдамиз.

Мамлакатимизда мебель ишлаб чиқариш сўнгги йилларда жадал ривожланиб, иқтисодиётнинг ушбу сектори салоҳияти ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Корхоналарда замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида жаҳон стандартларига мос маҳсулот турлари кенгаймоқда.

Ўн иккинчи бор ўтказилаётган «MebelExpo Uzbekistan – 2015» кўргазмаси мебелсозлик ва ёғочга ишлов бериш саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Кўргазмада уй ва офис мебеллари, мебель фурнитураси, уларни ишлаб чиқариш ва ёғочга ишлов бериш ускуналари, интерьер ва дизайн буюмлари каби маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Кўргазмада 15 мамлакатдан 70 фирма ва компания ўз маҳсулотлари билан қатнашаётир. Йирик ишлаб чиқарувчи ва мебель ускуналари дистрибьюторлари бўлган «Arhar Engeneering» ва «Altendorf» ҳамда бошқа корхоналар бу ерда ўз дастгоҳларини омма эътиборига ҳавола қилмоқда. Тайёр мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар орасида мамлакатимиз компаниялари етакчилик қилмоқда. Жумладан, «Eman», «Viva Deluxe» ва «Sharq Mebel» компанияларининг бежирим ва сифатли мебеллари нозик дидли экспертларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.

– 10 йил мобайнида корхонамиз фаолияти қарийб ўн баробар кенгайди, – дейди «Sharq Mebel» масъулияти чекланган жамиятининг савдосотиқ бўйича менежери Дилшод Носиров. – Айни пайтда нафақат мебель, балки унинг таркибий қисми ва фурнитураларини ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Шунингдек, бошқа корхоналарга хизмат кўрсатмоқдамиз. Экспорт салоҳиятимиз ҳам тобора ошиб бормоқда. Бу давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Мухтасар айтганда, кўргазмалар мамлакатимиз тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчилари ва хорижий иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, чет эл инвестициялари ва иқтисодиётимизни равнақ топтириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун замонавий технологияларни жалб этиш борасида қулай имконият яратмоқда.

Б.ОБИДОВ

ИНСОН ҚАДРИ БАЛАНД ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир ифодасидир. Яратганга шукр, Ватанимиз, халқимиз олдидаги хизматларимиз юксак қадрланмоқда. Бу мен каби фахрийларнинг руҳини кўтариб, ҳаётга бўлган муҳаббатини янада мустаҳкамлайди. Ишонаманки, кексалари эъзозда бўлган юртнинг иқболи баланд бўлади.

Ҳа, мамлакатимизда инсон қадри улуғланган демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида асрларга татигулик ишлар қилинмоқда. «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган тамойил жамиятимизни модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланган.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун шарт-шароит яратиш билан бирга, пиру бадавлат отахон ва онахонларимиз оғирини енгил қилишга, уларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган бугунги ишларни мустақилликка бўлган давр билан таққосласак, уларнинг нечоғлик улкан аҳамиятга эга экани янада ойдинлашади.

Бундан 25-30 йил илгари инсон қадри оёқости қилингани, «Деҳқон – ўз хўжалигининг озод эгаси», «Дала меҳри тоблайди» деган сохта шиорлар билан ёшу қари далада оғир меҳнатга жалб этилгани, руҳий, маънавий қийноққа солингани, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилганлар эса сарсон-саргардонликка дучор бўлгани ҳақида ўйлар эканмиз, истиқлол туфайли ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек буюк бахтга эришганимизга шукрона айтамиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланган, инсонпарвар сиёсат айнан бизга, келажагимизга дахлдор эканидан ғурурланамиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз босиб ўтган ривожланиш йўлини, эришган марра ва ютуқларимиз, энг муҳими, бизнинг бугунги салоҳиятимиз, куч-қудратимизни 90-йиллардаги давр билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Чунки бизнинг бугунги халқимиз, бугунги жамиятимиз – бундан ўн йил, йигирма йил олдинги халқ ва жамият эмас.

Йиллар, асрлар синовида тобланган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишониб, ёркин келажак сари дадил интилаётган бундай халқни ҳеч қандай куч ўз йўлидан қайтаролмайди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ 2015 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларининг (кейинги ўринларда матнда «транспорт воситаларининг» деб юритилади) 2015 йилда мажбурий техник кўригини (кейинги ўринларда матнда «техник кўригини» деб юритилади) ташкил қилиш мақсадида, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБнинг мурожаатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ва уларга тиркамалар 2015 йилда белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳрида транспорт воситалари жорий йилда қуйидаги даврийликка мувофиқ:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалар — бир йилда икки марта (биринчи марта — 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта — 1 сентябрдан 31 октябргача);

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ҳамда уларга тиркамалардан ташқари) — икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалардан ташқари) — бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка шатакчи (транспорт воситаси шатакчи деб ҳисобланган пайтда) учун белгиланган муддатларда техник кўрикдан ўтказилади.

4. Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача ўтказилади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 2014 йил 3 сентябрда тасдиқланган хулосасига мувофиқ, мазкур қарорнинг 2-иловасидаги юридик шахсларга тегишли, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамаларнинг техник кўриги ДЙҲХХ ходимлари иштирокида «Texnik dizel servis» МЧЖ ҳудудида ўтказилиши инобатга олинсин.

5. Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

6. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилади.

7. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (С.Ирисбеков), туман ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 54-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситаларини кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ (С.Ирисбеков):

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш тартиби ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали омма эътиборига етказиш ишлари ташкиллаштирилсин;

юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда юридик шахсга, тегишли ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисидаги билдиришнома юборилиши, техник кўрик бошланишидан камида ўн кун олдин белгиланган тартибда юридик шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказишда, техник кўрикдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда транспорт воситаси эгасидан ёки унга ваколатли шахсдан тегишли ҳужжатлар талаб қилиниши;

техник кўрикка қўйилган, бироқ техник носозлик туфайли кўрикдан ўтмаган трамвайлар фойдаланиш учун қўйилмаслиги назоратга олинсин;

техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқарган комиссия таркибидаги масъул ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

9. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолиниши инобатга олинсин.

10. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинганидан сўнг кучга киради.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2015 йил 19 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Болалар спорти

МУНИРАНИНГ АҲДИ ҚАТЪИЙ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 20-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Мунира Абдуллаева уч йилдан буён универсал жанг спорти билан шуғулланади.



Мураббийи Бекзод Шавқиевнинг айтишича, у спортга бўлган кучли қизиқиши сабаб универсал жанг сирларини қунт билан ўзлаштирган ва кўп ўтмай тенгдошларидан ҳам ўзиб кетган. Ана шу меҳнатлари натижасида бугун турли нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

– Ҳозирги шароит ва имкониятларни кўриб, фарзандларимизга ҳавасим келади, – дейди Муниранинг отаси Абдумажид Абдуллаев. – Мактабларда барча қулайликка эга спорт заллари фаолият юритмоқда. Уларда болалар спорт билан доимий шуғулланиб, жисмонан чиниқмоқда, соғлом бўлиб улғаймоқда.

20-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика, футбол, баскетбол, белбоғли кураш, муайтай, универсал жанг, таэквондо, сузиш секциялари ташкил этилган. Секцияларда доимий равишда шуғулланаётган 614 ёш спортчининг 150 нафарга яқини қизлардир. Уларга 19 нафар тажрибали мураббий спорт сирларини ўргатмоқда.

– Бир неча йил илгари спорт мактабимизда қизлар кам эди, – дейди муассаса директори Дилдора Яҳёева. – Сўнгги йилларда спортга меҳр қўйган қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Оилаларда ҳам соғлом муҳит шаклланиб, ота-оналар фарзандларини спорт тўгаракларига етаклаб келмоқда.

Мактабда бошқа спорт турлари сингари универсал жанг спортига қизиқувчи ёшлар кўп. Арофат Мирхалилова, Камолиддин Расулов, Маҳзуна Ўроқова, Комила Норбоева, Султонмурод Турсунов сингари умидли спортчилар Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари аъзолари. Уларнинг кўпчилиги мамлакат биринчиликлари ва халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Универсал жанг бўйича 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақада Арофат Мирхалилова иккинчи, Камолиддин Расулов учинчи ўринни эгаллади. Ўтган йили Маҳзуна Ўроқова, Комила Норбоева, Султонмурод Турсунов ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди.

– Биз, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, иқтидор ва салоҳиятимизни юзага чиқаришимиз учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланмоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига Мунира Абдуллаева. – Келажакда етук спортчи бўлиб, нуфузли халқаро турнирларда юртимиз байроғини янада баланд кўтариш ниятидаман.

Даврон СУННАТОВ
Темур Мамадаминов (ЎзА) олган сурат

Чилонзор туманидаги 168-мактабда вояга етмаган ўсмирлар, чақириққача бўлган ёшлар ўртасида спортнинг авиамодель турининг хона авиамоделлари бўйича шаҳар чемпионати ва биринчилиги ўтказилди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган турнирда «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели, Яккасарой, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туманларининг ўқув спорт техника клублари, Тошкент ахборот технологиялари университети, «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» ва «Баркамол авлод» болалар марказларининг авиамоделчи спортчилари иштирок этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда авиамодель спорти 1934 йилдан бошлаб ривожланган ва 1980 йилдан буён спортнинг бу тури бўйича мусобақалар ўтказиб келинмоқда. 1949 йилдан бошлаб ўзбекистонлик авиамоделчилар республикалараро ва халқаро чемпионатларда иштирок этиб келади.

— Мазкур мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад спортнинг техник ва амалий турларига ёшларни жалб қилиш, уларнинг муҳандислик, техник ижодкорлигини кенгайтириш, кучли спортчиларни аниқлаш ҳамда спортнинг бу турини кенг омма орасида ривожлантиришдан иборатдир, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси директори Иззат Яманов.

Ўтказилган мусобақада 9-12 ёшдаги спортчилар орасида биринчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси спортчиси Артём Смирнов эгаллади. 13-18 ёшдаги спортчилар орасида биринчи ва иккинчи ўринлар «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгашининг Юнусобод Ўқув спорт техника клуби спортчилари Жаҳонгир Саидалиев ва Сардор Жамоловларга насиб этди.

Хона авиамоделлари бўйича шаҳар чемпионатининг биринчи босқичи ғолиблари деб Виктор Юндин (1-ўрин) «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели ЎСТК, Гайрат Каланов (2-ўрин) «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» УК ва Владимир Нерасимов (3-ўрин)лар топилди.

Хона авиамоделлари бўйича ўсмирлар ўртасидаги биринчиликда жамоалар ўртасида 1-ўринни «Ватанпарвар» ташкилоти Юнусобод ЎСТК, 2-ўринни «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой ЎСТК, 3-ўринни «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» спортчилари эгаллашди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчиларимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари билан уларда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

Венгриянинг Эгер шаҳрида Паралимпия дзюдоси бўйича Гран-при турнири давом этмоқда. Қувонарлиси, ушбу мусобақада вакилларимиз иккита олтин ва битта кумуш медални қўлга киритишди.

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

60 килограммгача вазнда Параосиё ўйинлари ғолиби Шерзод Намозов терма жамоамиз ҳисобига дастлабки олтин медални тақдим этган бўлса, аёллар бахсида Турсунпошша Нурматова (63 кг) ҳам барча рақибаларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. 73 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган Феруз Саидов финалда имкониятни бой бериб, мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланди.

Шунингдек, бир қатор етакчи вакилларимиз ҳам яна икки кун давом этадиган баҳсларда омадларини синаб кўришди. Эслатиб ўтамиз, ушбу мусобақада келаси йилги Рио Паралимпиадаси учун рейтинг очколари берилади.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Москва шаҳрида ўтадиган йилнинг дастлабки Гран-при мусобақасида иштирок этишди.

Ушбу мусобақада дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан келган кучли спортчилар қатнашди. Маҳоратли гимнастикачиларимиз ушбу турнирда яккалик ва жамоавий баҳсларда ўз имкониятларини синовдан ўтказишди.

Катталар ўртасидаги беллашувларда қатнашган ҳамюртимиз Анастасия Сердюкова совриндорлар қаторидан жой олди. Сердюкова ҳалқа, копток, булава ва тасмада бажарган ҳаракатлари орқали умумий ҳисобда 68,349 очко билан учинчи ўринни эгаллади. Мезбонлар вакили Екатерина Веденеева 70,999 очко тўплаган ҳолда биринчи ўринни банд қилган бўлса, япониялик Янагава Кахо 68,599 очко билан иккинчи поғонадан жой олди.

Яна бир спортчимиз Елизавета Назаренкова 42 спортчи орасида баҳсларга киришиб кучли 20 таликдан жой олди.

Абдулазиз МУСАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank
Aksiyadorlik tijorat banki
Toshkent shahar mintaqaviy filiali

2015 йил — "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан қуйидаги миллий валютада қабул қилинувчи муддатли ва жамғармали омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

"Кексаларга таъзим" – омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
"Кексаларни қадрлаш" – омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

"Имконият" – омонатга маблағлар 1 йилдан - 3 йилгача қабул қилинади.
"Яхши ният" – омонатга маблағлар 1 йил - 2 йилга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

"Percent" - омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.

"Profit" - омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатингиз:
солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
миқдори чекланмаган!

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида !

Мурожаат учун: (+99871) 150-77-21, 150-77-02, www.qqb.uz Хизматлар лицензияланган.

Наврўз — 2015

ҚАЛБЛАРДА КЎКЛАМ СУРУРИ

Дам олиш куни эшик қўнғироғи чалинди. Қўшнимиз Сожида буви невараси Лолахонни олиб чиқибди. Қўлларида баҳор даракчиси – бойчечак. Қизалоқнинг табассум билан «Сизга ҳам илиндик» дейиши вужудимга бир олам қувонч бағишлади. Сўнг бошқа қўшниларни ҳам бойчечак билан қутлаб чиқдик...

Юртимизда яшариш ва янгиланиш фасли – баҳор бошланишига саноқли кунлар қолди. Буни олдиндан сезгандай кунлар ҳам илиб, она табиатда кўклам тафти кезиб юрибди.

Баҳор халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган Наврўз айёми билан бирга ёдга олинади. Шу боис баҳор келиши билан ушбу байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш тадориги кўрилади. Зеро, катта шодиёна билан ўтадиган Наврўз сайилларини томоша қилиш учун мамлакатимизга чет давлатлардан ҳам сайёҳлар ташриф буюради.

Бу йил ҳам Наврўз айёми олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, байрам шодиёналарига ҳозирлик кўрилмоқда.

– Баҳор яқинлашаркан, тирик мавжудот борки, яшариш ҳиссини, нафосат ва гўзалликни ҳис қилади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Азиза Раҳмонова. – Шу боис бўлса керак, кайфиятимиз кўтаринки. Маҳалламиз аҳли чор-атрофни тозалашга, дарахтларга шакл бериб, танасини оқлашга киришди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Сайрам маҳалласида ҳам ушбу айёмни муносиб нишонлаш ҳаракатлари бошлаб юборилган. Йўллар, ариқлар тозаланмоқда. Болалар майдончалари таъмирланаётир. Майдон ҳамда йўлакларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар экилмоқда.

Маҳаллада ёши улуғ онахонлар бошчилигида ҳар йили баҳор таомларини тайёрлаш анъанага айланган. Ёш келинлар ва қизлар ушбу тадбирга катта ҳафсала билан тадорик кўришмоқда.

– Наврўз – меҳр-мурувват байрами, – дейди «Сайрам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов. – Айни кунларда маҳалламиз фаоллари ва ҳиммати баланд инсонлар томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Байрамолди ҳашарларида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Мақсадимиз яшариш фасли баҳор, эзгулик айёми Наврўз барча қалбларга кириб борсин.

Фарида ИБОДОВА

Тадбирлар

ЁШЛАРИМИЗ МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент Давлат техника университетида ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда маънавий бўшлиққа қарши курашишга бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбир «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши, шаҳарча ҳокимлиги ҳамда ички ишлар бўлими томонидан ташкил этилди.

Бугунги кунда бутун дунёда жиноятчилик, одам савдоси, гиёҳвандликнинг глобал муаммога айлангани барчага маълум. Бу каби салбий иллатларни илдизи билан суғуриб ташлаш, барқарор соғлом муҳитни таъминлаш барчанинг олий мақсади ҳисобланади.

Тадбирда сўзга чиққан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаров, Олмазор туман «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ички ишлар бошқармаси бошлиғи, подполковник Ш.Мирзажонов, Тошкент давлат техника университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори А.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишнинг муҳимлиги, ҳар қандай нохуш ҳолат, жиноятлар инсониятнинг бепарволиги ва лоқайдлиги оқибатида юзага келиши, шу сабабли ёшларнинг юксак маънавиятли бўлишларига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашди.

— Маънавий бўшлиққа қарши курашиш, салбий иллатларнинг олдини олиш қайсидир соҳа вакилларининг эмас, айнан бизнинг вазифамиз эканлигини ҳар бир йигит-қиз англамоғи лозим, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Зиёдулла Саъдуллаев. — Инсон ҳаётга маънан, руҳан, жисмонан тайёр бўлиши, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги жуда муҳим. Таъкидлаш жоизки, бу борада «Камолот» ЁИҲ бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқиб, ёшлар маънавиятининг юксалишига хизмат қилувчи тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 февраль *куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Эрталаб (соат 11 гача) туман тушиши мумкин. Гарбдан шарққа томон йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 3-5 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***26 февраль-ва 27 февраль*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ